

Очликдан қорни қулдураган халифа



Очликдан қорни қулдураган халифа

Саҳобалар ҳаёти

10:38 / 31.12.2024 1286

Ҳазрати Умар халифа бўлганидан кейин давлат идора услубини ҳазрати Абу Бакр қурган ижтимоий ва ахлоқий мерос устига бино қилди. У ҳар доим ўзидан ва оила аъзоларидан олдин ўз халқини ўйлади ва уларга хизмат қилди. У баъзан кўпчилик қатори оч ҳам қолди, баъзан етимларни таомлантириди, баъзан халқи билан бирга қийинчилик ва машақатларнинг аламини тотди. У очарчилик ва қурғоқчилик пайтларида зайдун мевасини еб, очлигини қондирар эди.

Анас ибн Моликнинг айтишича, бир сафар очликдан унинг қорни қулдуради. Ҳазрати Умар эса бармоғи билан қорнига туртиб, ўзига-ўзига: «Қани, қуриллайвер. Инсонлар фаровонликка етгунича ёнимда ундан (зайдундан) бошқа сенга берадиган ҳеч нарса йўқ», деди.

Агар ҳазрати Умар хоҳлаганида, халифалик даврида бойликка кўмилиб яшаш, энг гўзал кийимлар кийиши ва энг нафис таомларни ейиши мумкин эди. Аммо унинг ягона мақсади ҳар доим зухд, тақво, камтарлик ва халқи орасидаги йўқсиллар ва ожизларга хизмат қилишдан иборат эди.

Бир куни унинг ҳузурига бир ҳайъат келди. Улар олдига қўйилган таомларни иштаҳа билан ея бошлашди. Буни кўрган ҳазрати Умар охират неъматларини хотирлаб, шундай деди: «Агар истасам, мен сизга ўхшаб гўзал таомлар пиширтириб ея оламан. Фақат биз дунёмизни охиратимиз учун тарқ этдик».

Дарҳақиқат, ҳазрати Умар бу дунёга ва унинг ноз-неъматлариға мутлақо эътибор қаратмаган улуғ саҳоба эди.

Бир куни үқизи Ҳафсанинг уйига борди. Унга бир косада шўрва олиб келишди. Қизи шўрванинг устига зайдун ёғи қўйган эди, буни кўрган отаси шундай деди: «Бир идишда иккита аралашмами? Мен Роббимга етишгунимча икки хил аралашмани бир жойда емайман».

Бир куни ҳазрати Умар ичиш учун бир нарса сўради. Унга асал шарбатини олиб келишди. Ҳазрати Умар уни ичмади ва шундай деди: «Бу (қандай) гўзал ва ҳалол ичимлик! Фақат мен Аллоҳ таолонинг бир жамоага тоттирган неъматларининг лаззатларини баён қилиб: «Ҳаёти дунёдаёқ ҳузур-ҳаловатингизни кетказиб, мазасини татиб бўлгансиз» (Аҳқоф сураси 20-оят) деганини эшитдим. Шунинг учун менга гўзал нарсалар охиратга қолдирилмай, бу дунёда берилишидан қўрқдим».

«Миллионер саҳобалар» китобидан

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 26 марта 03-07/1613-сонли хulosasi асосида тайёрланди.